



O'ZBEKISTON O'VOZI

2015-yil, 5-mart. Payshanba 26 (31.929)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси Шукуралӣ Маматқулов очди ва Президент сайловининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида му-

ҳим аҳамиятга эга эканини, шу боис ҳар бир сиёсий партия мамлакат қонунчилиги меъёрларига мувофиқ равишда сайлов кампаниясида фаол иштирок этаётганини таъкидлади.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Давоми 2-бетда.

«ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА САВОЛИМ БОР...»

Сайлаш ҳуқуқингиз кафолатланган

Кимни сайлашни ўзингиз ҳал қиласиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАР БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА. МАМЛАКАТ РАҲБАРИНИ САЙЛАШ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА, ҚАНДАЙ МЕЗОНЛАР АСОСИДА ЎТИШИ ҲЕЧ КИМНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЯПТИ.

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА ФУҚАРОЛАРДАН КЕЛАЁТГАН САЙЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУРЛИ САВОЛЛАР ҲАМ БУНИ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ. 3

ЎзХДП учун асосий масала, авваламбор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ишлашга бўлган интилишлари ва ташаббусларини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР — ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясида сайлов жараёнларини кузатиш учун мамлакатимизга келган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссияси раиси Я.Аллаёров меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси жараёнлари, округ сайлов комиссияси ваколатлари, олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, округ сайлов комиссияси томонидан Самарқанд вилоятида 957 сайлов участкаси тузилган, участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган ва комиссиялар ўз фаолиятини бошлаб юборган. Улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошқоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этади.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Мазкур тадбирларни ўтказиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун барча номзодларга тенг шароит ва имкониятлар яратилган. Сайлов жараёнла-

рини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида вилоятдаги эликдан зиёд журналист тегишли тартибда аккредитациядан ўтказилган.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси узоқ муддатли кузатувчилари Симус Франсис Мартин ва Ева Каролина Сухомен сайлов кампанияси жараёнларини кузатиш учун яратилган шароит ва имкониятларни юқори баҳолади. Шунингдек, юртимизнинг бетакрор табиати, халқимизнинг очик кўнгилчилиги ва самимийлиги, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, одамларнинг эртанги кунга катта ишонч билан яшаётгани, бозор ва дўконлардаги мўл-кўлчилик ҳақида ҳайрат билан гапирди.

Халқаро кузатувчилар сайлов округида комиссиянинг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Ҳ.ҲАҲАНОВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

24

КҮН ҚОЛДИ

ЎзХДП Марказий Кенгашида

халқаро кузатувчилар билан учрашув бўлиб ўтди

4 март кuni ЎзХДП Марказий Кенгашида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг чекланган миссияси раҳбари Каэтана Де Зулуэта, миссиянинг сиёсий масалалар бўйича эксперти Мари Кристелле Мели партия марказий сайлов штаби вакиллари билан учрашди.

Учрашувда партия Марказий Кенгаш раиси ўринбосари, марказий сайлов штаби раҳбари Рустам Комилов мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятни ислох қилиш йўлида муҳим ютуқларга эришилаётгани, аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданияти ошиб бораётгани, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича ЎзХДП олдида муҳим вазифалар турганини таъкидлади.

Миссия вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳақида атофлича маълумот берилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди тарғиботини олиб бориш учун тенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, номзодлар телевидение каналлари, марказий матбуот нашрлари ҳамда уларнинг интернет сайтларида фаол тарғибот қилинаётганига эътибор қаратилди.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси аъзолари партия



сайловида муносиб иштирок этиш бўйича партия томонидан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари, партиядан кўрсатилган номзод Хотамжон Кетмоновнинг мамлакатимиз сайловчилари билан ўтказаятган учрашувлари ва бошқа тарғибот жараёнлари

марказий сайлов штаби вакиллари билан сайловга оид масалалар юзасидан фикр алмашишди. Учрашув самимий ва очик мулоқот руҳида ўтди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

«Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз»

Мазкур лойиҳа доирасида ЎзХДП ташкилотлари турли тадбирлар ўтказмоқда

Одам ёши ўтган сари меҳрга, эътиборга кўпроқ эҳтиёж сеза боради. Ҳаётда кўриб-кузатганлари, чиқарган сабоқ ва ҳулосаларини ёшларга айтгиси келади. Ёши улуг кишиларнинг сўзида, фикрида эса ҳикмат бўлади. Шунинг учун улардан ўрганиш, уларни эшитиш ёшлар учун фақат фойдалир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида Чиноз туманида ўтказилган тадбирда нуруний отахону онахонлар, партия фаоллари, ёшлар ўзаро суҳбат қуришди.

Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Ёши улугларни улуглаган юрт



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқди

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Шундан сўнг Ҳотамжон Кетмонов ўз дастурида илгари сурилган ғоялар, белгиланган мақсад-вазифалар ҳақида сайловчиларга атрофлича маълумот берди.

Номзод, аввало, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси ҳусусида сўз юритар экан, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсат ҳалқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, дастурда мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар касб танлаши, таълим олиши ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётини эҳтиёжларини қондиришни кафолатловчи самарали тизимни шакллантириш каби устувор йўналишлар белгилангани қайд этилди.

Номзод аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бўш меҳнат ресурсларини юқори технология тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидир, — деди у. — Инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-хунарга эга ва олий маълумотли

мотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувни таъминлаш, барқарор иш ўринлари яратаятган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, шунга мувофиқ солиққа тортиш тизимини янада мақбуллаштириш одамларни ишга жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, номзоднинг дастурида кам даромадли оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ўз ишини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилаётган фуқароларга имтиёзли кредитлар

Сайловчилар номзоднинг дастурида илгари сурилаган ғояларни қўллаб-қувватлашмоқда

ва мақсадли фойдаланиш ссудалар ажратишни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни мақсадли фойдаланиш шарт билан бир марталик тўловга алмаштириш механизминини ишлаб чиқиш каби долзарб тақдирлар билдирилган.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг дастурида қайд этилган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Номзоднинг дастуридаги



аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш тақдирларига қўллаб-қувватлаймиз, — деди Ҳотамжон Кетмонов. — Тўғри, амалга оширилаётган ислохотлар, инқирозга қарши чоралар натижасида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланяпти. Инвестиция, маҳаллийлаштириш ҳамда бошқа қатор мақсадли дастурларнинг бажарилиши, молия ва банк тизими барқарорлиги иш ўринлари кўпайишига, ёшлар бандлигини таъминлашга замин яратиб бермоқда. Бироқ, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Масалан, касб-хунардан коллежи битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар тақдим этиш, ўз ишини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш, шу орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини рағбат-

лантириш учун мақбул шароитлар яратиш зарур, деб ўйлайман. Учрашувда сўз олган «Нуроний» жамғармаси Сайхунбод туман бўлими раиси Ҳамид Маматкулов Ҳотамжон Кетмоновнинг дастурида баён этилган барқарор иш ўринлари, солиққа тортиш тизимини янада мақбуллаштириш, корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжини ҳисоб-олиш масалаларидаги тақдирлар долзарб эканини таъкидлади.

Учрашув давомида номзод сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Сўзга чиққанлар сайловчиларни Президент сайловида Ҳотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎЗХДП ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР АМАЛДА

«Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз»

Мазкур лойиҳа доирасида ЎЗХДП ташкилотлари турли тадбирлар ўтказмоқда



Санжар ШОТЎЛЛАЕВ олинган сурат.

Айни кунда Тошкент вилоятида 353 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 5361 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Яқинда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида қарор қабул қилинди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Унда кексалар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимо-

ий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуг инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маънавий хизматлар рўйхатини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, фахрийлар ва ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан им-

тиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга икти-сослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди.

Хўш, бу вазифалар йил давомида қандай ижро этилади? Бу имконият ва имтиёزلардан ёши улуг кексаларимиз қай даражада фойдаланишди? Бундай саволлар доим партиянинг ташкилотлари ва депутатлар эътиборида турмоғи керак, деб ўйлайман. Негаки, нуроний кишилар асосан бизнинг электротартиб вакиллари ҳисобланяпти. Давлат дастурининг самарали ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатish муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ёлғиз кексалар, пенсионерларни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш, уларни мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этиш, лозим бўлса, мазкур масалалар юзасидан маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳисоботларини эшитиш зарур.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан ёлғиз кексалар, пенсионерларни ўйлантираётган масалалар бўйича ишлаб чиқил-

ган тақдирлар фракциямиз фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

— Биз бу тадбирларни «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз» лойиҳаси доирасида ўтказаямиз. Партиямиз давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, жумладан, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов. — Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида кексаларга эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бугунгидай тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, кексаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ижросини таъминлаш бўйича депутатлик назорати амалга оширилмоқда. Бу жараёнда вилоят Кенгашининг 16 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларининг 201 нафар депутати бизга яқин кўмакчи бўляпти.

— Умрини ҳалол меҳнат, эл-юрт фаровонлигига бағишлаган одамга муносиб ҳурмат ва эътибор кўрсатилиши керак. Ижтимоий адолат тамойили шуни тақозо қилади, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бoshқармаси бўлим мудири Алишер Расулов. — Бугунги кунда вилоятда пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилар 285 минг нафарга яқин. Шундан 266 минг нафардан ортигини пенсионер ва 18 минг нафардан ортигини ижтимоий нафақа олувчилар ташкил қилади. Пенсионерларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мобил телефонлари ёрдамида SMS сўрови орқали пенсия миқдори ва муддатини аниқлаш тизими яратилди. Бунда пенсия иши раҳамини мобил телефондан 10711 рақамга SMS тарзида юборишнинг ўзи кифоя. Натижада ҳар ойда фуқаролар пенсияларини олиш вақти ҳақида аввалдан хабардор бўлиб туради.

— Бугунги кўраётган кунларимдан мамнунман, — дейди Чиноз тумани Амир Темур маҳалласида истиқомат қилаётган 95 ёшли Мўминжон Ғаниев. — Бу йил бизнинг йилимиз бўлди. Партия фаоллари, депутатлар билан суҳбат борлигини эшитиб келдим. Бугунги гаплар, фикрларни тинглаб, бир нарсани сездим, одамларнинг қалбида меҳр-оқибат кучли...

Давра суҳбатида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тушунтириш, ёлғиз кексалар ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш масалалари юзасидан қатор тақдирлар билдирилди.

Меҳроҳ ДАРҲОН.

САЙЛОВЧИЛАР САЙЛОВ ҲАҚИДА

■ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар Президент сайловини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширади. Ҳар бир фуқаро ўзи истаган номзодга овоз бериш ҳуқуқига эга.

«Менинг танловим аҳамиятга эга»

Шу ўринда савол туғилади. Муносиб номзодни танлашда сайловчилар айнан қайси жиҳатларга эътибор беради? Давлат раҳбари қандай ҳислатларга эга бўлиши лозим?

Санжар АБДУҚУДДУСОВ,
Тошкент шаҳридаги 5-сон болалар шифохонаси шифокори:

— Яқинда сайлов билан боғлиқ қонунлар ва ҳуқуқий адабиётлар билан танишиб чиқдим. Ўзимга тегишли ҳулосалар чиқариб олдим. Тушундимки, мустақил сайлов тизими жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг муҳим асоси экан. Шунинг учун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришда сайлов институтини кучайтириш масаласи бош вазифа этиб белгиланган. Энг муҳими, шу орқали ҳар биримизнинг конституциявий ҳуқуқларимиз ҳимоя қилинмоқда, бизнинг овозимиз, муносабатимиз юзага чиқиши учун шароит яратилмоқда.

Шу боис аввало, кимга ва нима учун овоз беришимизни тўғри англаб, тушуниб олишимиз керак. Ўйлашимча, ҳар биримиз Президент кимлиги, ҳаётимизда унинг ўрни, аҳамияти ҳақида тасаввур қилиб, чуқур ўйлаб кўрмоғимиз лозим.

Президент халқ манфаатини қўлаб иш тутадиган, ҳар томонлама етук, юксак сало-

Ҳар биримиз Президент кимлиги, ҳаётимизда унинг ўрни, аҳамияти ҳақида тасаввур қилиб, чуқур ўйлаб кўрмоғимиз лозим.

ҳиятли, эл-юрт фаровонлиги учун қуйиб-ёнадиган қомил инсон бўлиши керак, деб ўйлайман. Эртага ким мамлакат раҳбари, ким халққимизга бош бўлади? Сайловда халқимиз ана шу саволга жавоб беради. Мен бунинг аҳамияти ва масъулиятини сайлов яқинлашгани сари чуқур ҳис қиламан. Номзодлар ва уларнинг дастурлари билан танишиб чиқаямиз. Чунки сайлов куни ўзим муносиб қўрган номзодга ишонч билан овоз беришим керак.

Азиза ЗОКИРОВА,
Тошкент шаҳридаги 1-республика тиббиёт коллежи ўқувчиси:

— Биз ёшларнинг таълим-тарбия олишимиз, эртанги тақдиримиз давлат раҳбарининг олиб борадиган сиёсатига боғлиқ. Шу боис Президентликка номзодлар ҳақида тўлиқ тасаввурга, кенг маълумотга эга бўлишимиз зарур, деб ўйлайман.

Мен ҳам ҳар куни ўқув машғулотларига қатнаш жараёнида шаҳар кўчаларидаги Президентликка номзодларнинг сайловолди тарғиботи акс этган воситаларни кузатиб бораман. Имкон қадар ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этишга ҳаракат қиламан. Бу ўзимга маъқул ва ўзим ишонган номзодни танлашим, тўғри ҳулоса чиқаришимга асос бўлади.

Замира МИРЗАКУЛОВА,
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Тузель» кишлоқ фуқаролар йиғини, уй бекаси:

— Айни вақтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Мен уй бекаси бўлсам ҳам сайловга оид барча жараёнларни диққат билан кузатиб бораёман. Албатта, бу муҳим сиёсий жараёнда фуқаро сифатида фаол иштирок этиб, ўз вазифамни бажармоқчиман. Бунинг учун сиёсий-ҳуқуқий билимим ва тасаввуримни бойитишга ҳаракат қиламан. Яқинда ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб топиш учун ҳудудимиздаги участка сайлов комиссиясига бордим. У ердаги шароит, берилган маълумотлардан хурсанд бўлдим. Сайлов куни ўзим ишонган ва хайрихоҳ бўлган номзодга овоз бераман.

Юлдуз ҲАЙДАРОВА
ёзиб олди.

■ ЎЗХДП ТИЗИМИДАГИ 10 МИНГГА ЯҚИН БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ЎҚУВЛАРДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МАВЗУСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.



◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



■ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА.



КУЧЛИ ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



Дунёга дoston Алпомиш

■ Жанубий корейлик олима О Ин Кёнг «Алпомиш» ва «Жумонг» дostonлари матери-аллари асосида ўзбек ва корейс қахрамонлик эпослари қиёсий таҳлилига бағишланган докторлик диссертациясини ёқлади.

— Мен 2010 йилдан буён ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий тадқиқотчи сифатида фаолият юритиш билан бирга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика универси-тетига дарс бердим, — дейди О Ин Кёнг. — «Алпомиш» дostonининг гоёси, тили ва услуби мени ниҳоятда ҳайратга солди. «Жумонг» ҳам корейс халқининг қахрамонлик эпоси ҳисоблана-

авлод, яъни Бойбўри билан Бой-сари, Алпомиш ва унинг ўғли Ёдгор тақдири баён этилган. Аҳамиятлиси, икки дoston-нинг тузилиши ҳам эпик асар қурилишига тўла мос келади. Айрим ўхшаш хусусиятлар ҳақида фикр юритсак. Масалан, ҳар икки қахрамон ҳам аслзода насл-насабга мансубдир. Алпо-мишнинг отаси Бойбўри Бой-сун-Кўнгирот элининг сарбони-дир. Жумонг эса бир томондан

бориб, қирқ кун тунайдилар. Қирқ биринчи кун шундай илоҳий хабар эшитадилар:

«Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас эгиз берди; Бойсари, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқ-ни йиғсанг, тўй-томошалар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бо-риб, болаларингнинг отини ўзим кўйиб келаман».

— Эпос қахрамонларининг ноодатий хусусиятлари ва мақ-садлари ўртасида қандай боғлиқ-лики кўриниб туради?

— Алпомиш ва Жумонг жуда кўп ноёб қобилиятларга эга. Ма-салан, икки қахрамон ҳам ка-мондан беҳато ўқ уза олиши би-лан машҳур. Алпомиш ўзининг мардлиги ва жасорати туфайли Барчинни қутқариб, эл-юрти, ёри ва халқининг ориятини, манфаатини ҳимоя қилади. Жу-монг ҳам барча қийинчиликлар-ни енгиб, ўзи орзу қилган сал-танатни бунёд этади.

Жумонг образида ҳам кўпгина ижобий хусусиятлар мавжуд. Уларнинг аксари илоҳийлик во-ситасида акс эттирилган. Алпо-мишнинг фазилятлари эса таби-ий ва ишонарли. Шунинг учун бугунгача унинг сифатлари ўзбек ўғлонларига ибрат бўлиб келади. Биргина мисол: Алпомиш Қалмоқ эли зиндониди эди. Дўсти Қора-жон дарагини топиб келади ва чоҳга арқон ташлайди. Чирмо-викқа осилиб чиқаётган алп не-гадир ярим йўлда арқонни кесиб, зиндонга қайтади. Алпнинг ори келади, эртага юзимга солмасин дейди. Мана сизга ҳақиқий йи-гитнинг ор-номуси.

— Халқ дostonларида қахра-монлар мислсиз жасоратларидан сўнг, юксак ном ва эътирофлар-га сазовор бўлишади. Бу ҳақида қандай фикрдасиз?



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Қадимги туркийлар анъа-насида кўра, кишининг жами-ятда тутган мавқеи ва кўрсатган жасоратларига қараб исм ҳам ўзгартирилган. Ҳар икки дос-тонда ҳам қахрамонларга исм кўйиш жараёни алоҳида аҳами-ятга эга. Улар қайсидир жасо-рати туфайли иккинчи бир улуг номга сазовор бўлади.

Алпомишга илк бор қалан-дар-дарвеш қиёфасидаги пир то-монидан Ҳакимбек деб исм бе-рилиши ва кейинчалик унинг алп бўлиб етишиши башорат қилинади. У 7 ёшида Алпин-бий бобосидан қолган ўн тўрт ботмонлик ёйдан отиб, ҳамма-ни ҳайратга солади. Шундан сўнг тўқсон алпнинг бири си-фатида тан олиниб, Алпомиш номини олади.

«Жумонг» ҳам мерганликда тенгсиз эканлигини исботлай олган қахрамон. Аслида унинг исми «камонни яхши отувчи одам» маъносини англатади.

Ўйлаб кўрсам, «Алпомиш» дostonи ҳали дунё миқёсида ўрганиладиган қахрамонлик эпоси. Мен буни ҳаммага ба-ралла айта оламан...

«Ўзбекистон овози» мухбири
Бобур ЭЛМУРОДОВ
суҳбатлашди.

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

2015 йилда капитал таъмирланиши режалаш-тирилган куйидаги объектни тўлиғича қуриб фой-даланишга топшириш шарти билан пудратчи таш-килотни танлаш бўйича танлов савдоси ўткази-лишини эълон қилади:

Самарқанд шаҳридаги «Дельфин» сузиш ҳав-засини капитал таъмирлаш.

Буюртмачи бошланғич нархи:

ҚҚСиз 247 670 302 сўм, ҚҚС билан 297 204 362 сўм.

Қурилиш муддати — 4 ой.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжини-ринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

«Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан пудрат таш-килотини танлаш фақат давлат реестрига кирган таш-килотлар ўртасида амалга оширилади.

«Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кен-гайтириш тўғрисида»ги қарорга асосан пудрат ташки-лотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўрта-сида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келиш-лари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатно-маси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва му-тахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўн-ик-маларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаро-лик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қури-лиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақ-лифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшим-ча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (иш-лар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тан-лов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифлари-ни баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшим-ча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатлари-га эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчи-си — Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг мар-казига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мум-кин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Д кор-пус, 403-хона. Тел.: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақ-дим этишнинг охириг муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самар-қанд вилоят ҳокимлиги инжини-ринг компанияси бино-сида соат 10:00 да ўтказилади.

ОБ-ХАВО 05-06.03 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

-2 / +3 +7 / +12

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+2 / +7 +10 / +15

Тошкент, Самарқанд, Жиззах,

Сирдарё вилоятлари

+2 / +7 +10 / +15

Қашқадарё,

Сурхондарё вилоятлари

+2 / +7 +13 / +18

Андижон, Наманган,

Фарғона вилоятлари

+1 / +6 +10 / +15

Тошкент шаҳри

+3 / +5 +15 / +17

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +13 / +13

Париж +12 / +12

Москва +1 / +2

Мадрид +15 / +18

Пекин +10 / +13

Канберра +25 / +26

Рим +9 / +12

Афина +16 / +14

Токио +13 / +11

Стокгольм +6 / +4

Кейптаун +26 / +27

Қоҳира +24 / +27

Гавана +32 / +29

Вашингтон +1 / -2

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.


«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
20995
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 22.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2010-7133
2 3 4 5 6